

Ушбу шартнома биринчи томондан “Буюртмачи” деб юритиладиган “O'zyo'loyiha loyiha qidiruv instituti” ДУК номидан Устав асосида иш юритувчи директор С.Кахаров иккинчи томондан кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “OZGASHKLITI” номидан 05.01.2022 йилдаги 1-сонли ишончнома асосида иш кўрадиган Бош директор ўринбосари Б.В.Усманов “Ўзйўллойиха” ДУКнинг товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи танлов комиссияси йигилишининг 2022 йил 24 мартдаги баёнига асосан қуйидаги шартномани тuzдилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи Бажарувчини “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК билан 2021 йил 24 декабрдаги 1383-сонли Бош шартнома бўйича бажарилиши лозим бўлган Тошкент вилоятидаги умумий фойдаланишда бўлган маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш объектининг ишчи ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини бажариш учун ёрдамчи лойиҳачи сифатида жалб қилади.

1.2. Буюртмачи Бажарувчига Тошкент вилоятидаги умумий фойдаланишда бўлган маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йўлларини тўла таъмирлаш объектининг ишчи ҳужжатларини ишлаб чиқишда 4Н694 “Чирчиқ – Майдонтол” автойўли (2км) – Чоткол к. – Бустон к. – “Янгибозор – Паркент” 0-6 км қисмининг топогеодезия ишларини бажаришни топширади, Бажарувчи эса ўз зиммасига олади.

1.3. Бажариладиган ишлар мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган техник топшириққа асосан амалга оширилади.

1.4. Ишларнинг тугалланиш вақти аванс маблағи молиялаштирилган кундан бошланиб, 12 кун муддатда тугатилади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Ишларни амалга оширишнинг баҳоси 1-иловадаги шартнома баҳосини келишув баённомасига асосан ҚҚС билан 16 500 000 (ўн олти миллион беш юз минг) сўмни ташкил қилади.

2.2. Буюртмачи ушбу объект бўйича асосий буюртмачидан аванс миқдори келиб тушгандан сўнг, шартнома баҳосининг 15% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи ва Бажарувчи томонидан расмийлаштирилган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Ишлар Бажарувчи томонидан тўлиқ бажарилиб, асосий буюртмачидан экспертиза хулосаси олингандан кейин ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади ва асосий буюртмачи томонидан бош шартнома бўйича бажарилган ишлар учун 70 фоиз молиялаштириш амалга оширилгандан кейин Буюртмачи Бажарувчига 5 (беш) кун ичида жами ишлар ҳажмининг (ажратилган аванс маблағи миқдори ушлаб қолиниб) 70 фоизини тўлаб беради.

Объект бўйича давлат экспертизаси томонидан якуний экспертиза хулосаси олингандан сўнг ва бажарилган ишлар асосий буюртмачи томонидан қабул қилингандан сўнг қолган маблағ учун топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, молиялаштирилади.

2.5. Шартноманинг 2.1-2.4-бандларида кўрсатилган молиялаштириш муддатлари ва тартиби асосий буюртмачи билан тузилган шартнома (Бош шартнома) бўйича маблағ “Буюртмачи” ҳисоб рақамига келиб тушиши муддатлари ва тартибига қараб, “Буюртмачи” томонидан бир томонлама ўзгартирилиши мумкин ва бу ҳақда “Бажарувчи” ни хабардор қилиниши шарт эмас.

2.6. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда ёки мазкур объект юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга асосий буюртмачи билан тегишли шартномалар имзолангач, кўшимча келишув асосида шартнома қийматига ўзгартириш киритилиб қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни техник топшириқ, бошқа дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Асосий буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

3.3. Буюртмачи тайёрланган лойиҳа ҳужжатларининг ёки бажарилган кидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учунчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан кўзгатирилган даъво

юзасидан ишда катнашишга Бажарувчини жалб қилади ва Бажарувчи ўзи томонидан бажарилган ишларнинг камчилиги учун ўзи жавобгар бўлади.

3.4 Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз ва камчиликлар билан бажарса ва сифатсиз бажарилган лойиҳа ҳужжатидан фойдаланиш натижасида қўшимча (қўзда тутилмаган) ишлар ва ҳаражатлар аниқланса, Бажарувчи ушбу камчиликларни бартараф этиб, бир ҳафтадан ошмаган муддатда ўз мажбуриятларини талаб қилинган сифат даражасида қайтадан бажаради ва аниқланган қўшимча ҳаражатларни тўлиқ ўз ҳисобидан қоплайди.

3.5. Бажарувчи Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиққандан сўнг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.6. Бажарувчи лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошқа дастлабки маълумотлардаги талабларга риоя қилиши шарт ва буюртмачининг розилиги билангина улардан четга чиқишга ҳақли. Бажарувчи ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ бажариши; тайёр бўлган лойиҳа ҳужжатларини асосий буюртмачи билан келишиб олиш ишларида иштирок этиш, шунингдек; тайёр бўлган лойиҳа ҳужжатларини ва қидирув ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши; буюртмачининг розилигисиз лойиҳа ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

3.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар тегишли конун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ШНК талаблари асосида, электрон (флешкада word, excel ва Autocad) ва нашр қилинган 3 нусхада топширилади.

Мазкур талабларга риоя қилинмаган ҳолда топширилган ишлар қабул қилинмаган деб ҳисобланади.

3.8. Бажарувчи лойиҳа ҳужжатлари ва қидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа ҳужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар конунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш техник топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.3. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан техник топшириқда қўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади. Бажарувчи томонидан Буюртмачига топширилаётган ҳужжатлар тўплами **Асосий буюртмачининг** тегишли ходимлари томонидан маълумланиб, имзоланган бўлиши шарт, ақс ҳолда Буюртмачи ҳужжатлар тўплами ва ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилмасликка ҳақлидир.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса ва бу ҳақида **Асосий буюртмачи** Буюртмачини ёхуд Бажарувчини хабардор қилса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши Бажарувчи учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида қўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада қўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

4.7. Бош буюртмачи ва экспертиза ташкилоти томонидан билдирилган таклиф ва камчиликларни эътирозсиз бажарилишини таъминлайди.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Қўшимча шартлар

6.1. Бажарувчи ишларни муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади ва тўловни Асосий буюртмачи томонидан бош шартнома бўйича бажарилган ишлар молиялаштириш амалга оширилгандан кейин амалга оширади.

6.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар конун ҳужжатларида кўрсатилган тартибда ҳал қилинади.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажариш учун Буюртмачи билан келишган ҳолда учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда қонунда белгиланган тартибда Тошкент туманлараро Иқтисодий судга даъво аризаси киритиш орқали ҳал қилинади.

6.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилганда мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг ҳар бир қунига 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлайди, бунда жариманинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.7. Бажарувчи томонидан лойиҳани тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг ҳар бир қунига 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.8. Агар Асосий буюртмачи томонидан бош шартнома бўйича Буюртмачига неустойка ёки зарарни қоплаш ҳисобланса, ва бунга Бажарувчининг бажарган ишларидаги камчиликлар сабаб бўлса, ушбу неустойка ёки зарарни Буюртмачига унинг тегишли хатини олгандан сўнг 7 (етти) кунлик муддатда тўлаб бериши шарт.

6.9. Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича Бажарувчи мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса ёхуд мазкур шартнома предмети бўйича Асосий буюртмачи томонидан бош шартнома бўйича Буюртмачига ҳисобланган неустойка ёхуд зарарни тўлаб бермаса, Буюртмачи ушбу маблағларни Бажарувчини молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

6.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.11. Шартнома тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

6.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.13. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1-илова);

- Бажариладиган ишлар тури бўйича Техник топшириқ жадвали (2-илова);

7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

Буюртмачи

“O‘zyo‘lloyiha loyiha qidiruv instituti” DUK

100000, Тошкент шаҳри,
Мирзо Улугбек тумани
Мустақиллик шох кучаси 68-уй
Тел: 71 237-15-08
Х/р: 2021 0000 7009 2163 2001
АТИБ «Ипотека банк»
Яшнобод туман филиали
МФО: 00959, ИНН: 305 756 527

Директор

С.Кахаров



Бажарувчи

«O'ZGASHKLITI»

Manzil: 100096, Toshkent shaxri Qatortol
ko'chasi 38 uy,
Tel.(8371)-273-04-82 Faks 273-86-09
x/r 20210000704489790001
TIF «Milliy bank» Olmazor filiali
MFO: 00876 INN: 206328965
OKED: 71120

Бош директор
Уринбосари

Б.В.Усманов



Юридик бюро бошлиғи  С.Самиева

Директор ўринбосари  О.Раджабов

Бош муҳандис  Ф.Мамарахимов

Бўлим бошлиғи  А. Маматов

Бўлим бошлиғи-бош ҳисобчи  Т.Сувонов



Шартнома баҳосининг келишув

БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо чекувчилар: Тошкент вилоятидаги умумий фойдаланишда бўлган маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йўлларини тўла таъмирлаш объектининг ишчи хужжатларини ишлаб чиқишда 4Н694 “Чирчиқ – Майдонтол” автойўли (2км) – Чоткол к. – Бустон к. – “Янгибозор – Паркент” 0-6 км қисмининг топогеодезия ишларини бажариш бўйича 2022 йил “29” мартдаги 10/1-1887-сонли шартнома баҳоси ҚҚС билан 16 500 000 (ўн олти миллион беш юз минг) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Буюртмачи

“O‘zyo‘lloyiha loyiha qidiruv instituti” DUK

100000, Тошкент шаҳри,
Мирзо Улугбек тумани
Мустақиллик шох кучаси 68-уй
Тел: 71 237-15-08
Х/р: 2021 0000 7009 2163 2001
АТИБ «Ипотека банк»
Яшнобод туман филиали
МФО: 00959, ИНН: 305 756 527

Директор

С.Кахаров



Бажарувчи

«O‘ZGASHKLITI»

Manzil: 100096, Toshkent shaxri Qatortol
ko‘chasi 38 uy,
Tel.(8371)-273-04-82 Faks 273-86-09
x/r 20210000704489790001
TIF «Milliy bank» Olmazor filiali
MFO: 00876 INN: 206328965
OKED: 71120

Бош директор
Директор

Б.В.Усманов

